

**ЎПКАНИ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИНИ
МЕТАБОЛИК АССОЦИРЛАНГАН ЖИГАРНИНГ ЁҒЛИ КАСАЛЛИГИ
БИЛАН КОМОРБИД КЕЧГАНДА БУЙРАК ДИСФУНКЦИЯСИ ВА
ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ УЧРАШИ**

Тошкент тиббиёт академияси

Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассисенти

Матирзаева Ш.Г.

Маълумки, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) бутун дунёда кенг тарқалган ҳасталиклардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ушбу касаллик тиббиётнинг глобал муаммосига айланган. Глобал тадқиқотлардан бири (GOLD лойиҳаси) 40 ёшдан ошган аҳоли популяциясида стандартлаштирилган сўровномалар ва ўпка функционал синамалари ёрдамида ЎСОК тарқалишини баҳолаш учун ноёб имкониятни тақдим этди. ЎСОКнинг II босқичидан бошлаб 40 ёшдан ошган шахслар орасида тарқалиши $10,1 \pm 4,8\%$ ни, шу жумладан эркекларда - $11,8 \pm 7,9\%$ ва аёлларда - $8,5 \pm 5,8\%$ ни ташкил этган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ЎСОК ер куррасида аҳоли ўлимнинг 4-чи етакчи сабабчиси ҳисобланади. Ҳар йили 2,75 миллионга яқин инсонлар унинг оқибатида ҳаётдан кўз юмадилар. Бу барча ўлим сабабларининг 4,8 фоизини ташкил қилади.

Жаҳонда ЎСОК билан бир қаторда жигарнинг алкоғолга боғлиқ бўлмаган ёғли касаллиги (ЖАББЁК) ҳам аҳоли орасида кенг тарқалган патологик жараёнлардан бири ҳисобланади. Унинг ғарб мамлакатлари алоҳиси орасида кўп учраши тадқиқотларда ўз исботини топган. Сўнги 20 йил оралиғида жигар стеатозининг тарқалиши икки баробарга ошганлиги тасдиқланган. Маълумотларга кўра, ЖАББЁК мавжуд беморларда 20-55% ҳолатларда буйрак дисфункцияси кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳар иккала патологик жараённинг механизмлари ва, энг аввало, метаболик бузилишлар бир-бирига ўхшашлигидан иборат.

Тадқиқот мақсади. Ўпкани сурункали обструктив касаллиги метаболик ассоцирланган жигарнинг ёғли касаллиги билан коморбид кечганда буйрак дисфункцияси ва хавф омилларини учрашини ўрганиш.

Материал ва услублар. ЎСОК би лан хасталанган метаболик ассоцирлан ган жигарнинг ёғли касаллиги бор беморларни клиник – функционал текширувлари охирги халқаро дастурга мос келувчи [Ўпкани сурункали обструктив касаллиги бўйича кенг миқёсдаги ташаббус (Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease – GOLD) 2014] таснифи қўлланилди. Ушбу илмий тадқиқот ишлари Республика ихтисослаштирилган пулмонология ва фтизиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг пулмонология бўлимида 2023-2024 йилларда шифохонада даволанган 34 ёшдан 72 ёшгача бўлган 210 нафар ЎСОК билан хасталанган беморларнинг касаллик тарихи бўйича ретроспектив тахлили ўтказилди. Ушбу беморларнинг 146 ($69,5 \pm 5,2\%$) нафари эркакларни ва 64 ($30,4 \pm 3,2\%$) нафар аёллардан иборат бўлди. Беморларнинг ўртача ёши $64,2 \pm 0,65$ йилни (эркаклар ўртача ёши – $68,4 \pm 1,06$ йил, аёлларники – $52,3 \pm 1,02$ йил), касаллик давомийлиги ўртача $11,2 \pm 1,14$ ташкил этди. Беморлар 2 та гу рухга ажратилди. Биринчи гурух ЎСОК билан бирга келган метаболик ассоцирланган жигарнинг ёғли касаллиги (МАЖЁК) 56 та беморларни, иккинчи гурух ЎСОК метаболик ассоцирланган жигар нинг ёғли касаллигисиз беморлар 50 та ташкил этди. ЎСОК билан хасталанган беморларда буйрак фаолиятини баҳолаш мақсадида қон зардобиди креатинин, сийдик таркибида оксил миқдори текширилди. Жумладан, тана вазни индекси, пульсоксиметр ёрдамида кислород сатурацияси аниқланди. ЎСОК да хансираш mMRC (Medical Research Council Dyspnea Scale) шкаласи ёрдамида бахоланди ва ёндош касалликлари текширилди.

Тадқиқот натижалари. ЎСОК билан оғриган метаболик ассоцирланган жигарнинг ёғли касаллиги бор бемор ларда буйраклар фаолиятини креатининга асосланган ҳолда ўрганганимизда 23,8% га унинг ошганлиги ва 56,7% бе морларда протеинурия аниқланди. Биринчи гурухда

ЎСОК билан оғриган метаболик ассоцирланган жигарнинг ёғли касаллиги бор беморларнинг ўртача ёши 62,6% ни, иккинчи гуруҳда эса 57,2% ни ташкил этди. Жинси бўйича тахлил қилганимизда эса, биринчи гуруҳда эркаклар 72% ни, аёллар 56,2% ни ташкил этди.

Жумладан, биринчи гуруҳдаги беморларда жинси, зарарли одатлари бор яъни чекувчилар сони, касаллик давомийлигини, хансираш даражалари (mMRS шкаласи бўйича, балл), нафас етишмовчилиги оғирлик даражаси бўйича кислород сатурацияси ($p<0,05$) иккинчи гуруҳга нисбатан ишончли даражада юқорилиги кузатилди. Биринчи гуруҳдаги беморларда қон зардобидаги креатинин ва ва сийдик таркибидаги протеинурия мос равишда $147,5\pm 10,2$ мкмол/л ва $0,045\pm 6,02$, иккинчи гуруҳда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда $87,6\pm 2,66$ мкмол/л ва $0,027\pm 5,12$ ни ташкил этди ($p<0,001$). Ёндош касалликлардан юрак ишемик касаллиги ($p<0,001$), меъда ичак тизими касалликларидан: жигар ёғ гепатози 23%, гастрит, меъда ва 12 бармоқ ичак яра касалликлари 32%, сийдик йўллари инфекцияси ($p<0,001$), қандли диабет, асаб тизими касалликларининг ($p<0,05$) ишончли даражада кўпчиликини ташкил этганлиги аниқланди.

Хулоса. ЎСОК билан оғриган метаболик ассоцирланган жигарнинг ёғли касаллиги бор беморларда буйраклар фаолиятини креатининга асосланган ҳолда ўрганганимизда унинг ишончли даражада ошганлиги ва 56,7% беморларда протеинурия аниқланди. Эркак жинсдаги беморлар, чекувчилар, юрак ишемик касаллиги ($p<0,001$), жигарни ёғли касаллиги, нафас етишмовчилиги оғирлик даражаси бўйича кислород сатурацияси ($p<0,05$), касаллик давомийлиги ва хавф омилларининг боғлиқлиги аниқланди.